

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ УЛКАН ЖАСОРАТ ВА ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИНИ КЎРСАТИБ, БУЮК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 9 май куни Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди.



Қизил майдонда Ғалаба паради бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой Раиси Си Цзиньпин, Бразилия Президенти Лула да Силва, Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Берди-муҳамедов, Мўғулистон Президенти Ухна-агийн Хурэлсух, Куба Президенти Мигель Диас-Канель, Венесуэла Президенти Николас Мадуро ва бошқалар ҳам қатнашди.

Иккинчи жаҳон урушидаги ғалаба миллионлаб инсонларнинг жасорати, матонати ва фидойилиги натижасидир. Бу улуг мақсадга эришишда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Уруш бошланган пайтда республикаимиз аҳолиси 6 миллион нафардан зиёд эди. Уруш йилларида икки миллионга яқин ўзбекистонлик фронтга жўнатилды. 538 мингдан зиёд киши жанг майдонларида ҳалок бўлди, 158 мингдан ортиғи бедарак йўқолди.

Кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Ўзбекистондан 214 мингдан зиёд аскар ва офицер жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Ватандошларимиздан 301 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, яна 70 киши “Шуҳрат” орденининг барча даражалари соҳиби бўлди.

Ўзбек халқи меҳнат борасида ҳам улкан жасорат кўрсатди. Мамлакатимиз фронтнинг ишончли таянчига айланди: бу ердан озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, қурол-яроғ

ва бошқа зарур ресурслар узлуксиз жўнатиб турилди. Қисқа муддатда Ўзбекистон ҳудудида 170 дан ортиқ эвакуация қилинган қорхоналар жойлаштирилгани муҳофаа саноатининг узилишларсиз ишлашини таъминлади.

Уша оғир йилларда Ўзбекистон халқи юксак инсонпарварлик намунасини кўрсатиб, фронтдаги ҳудудларидан эвакуация қилинган 1,5 миллиондан ортиқ кишини, жумладан, 250 мингдан зиёд етим болаларни қабул қилди.

Ўзбек халқининг уруш йилларидаги жасорати халқор ҳамжамиятда кенг эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам уруш ва меҳнат фронтга қатнашчиларининг хотирасини абадийлаштириш, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкентда улутвор “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Ғалаба паради якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва бошқа давлат раҳбарлари билан биргаликда Александр боғидаги Номалум аскар қабрига гул қўйди.

Ушбу ёдгорлик ғалаба йўлида мислсиз жасорат кўрсатган ва жон фидо қилган миллионлаб жангчилар, жумладан, Ўзбекистон фарзандлари хотирасига ўрнатилган.

Маросим бир дақиқалик сукут ҳамда фахрий қоровул ва ҳарбий оркестрнинг тантанали юриши билан якунланди.

Москва шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси

Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан бир-бирини самимий қутлади.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан, Россия Президентининг ўтган йил май ойидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик суъратини сақлаб қолишга қаратилган мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим экани таъкидланди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ҳудудлар ўртасидаги кооперация алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар алмашинувлар, энг аввало, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида самарали бўлаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Москва шаҳрига амалий ташрифи якунланди. “Внуково” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Россия расмийлари кузатиб қўйди.

ЎЗА

ХАЛҚ ЖАСОРАТИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

9 МАЙ – Хотира ва қадрлаш куни

Уруш ҳар доим инсоният учун битмас-туганмас жараҳатлар, улкан талафотлар келтирган. Унда кимдир озодлигини, кимдир ватанини, яна кимдир оиласи, фарзандларини йўқотади. Сўнгги бир неча юз йилликларда инсоният тарихида кўплаб урушлар содир бўлган. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қолдирган жараҳатлар ҳали-ҳануз миллионлаб қалбларни ларзага солиб келмоқда.

Бу уруш Ер шари аҳолисининг салкам 80 фоизи, яъни 1,7 миллиард кишини ўз гирдобига тортган. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳам урушда фаол иштирок этиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби,

ғурур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Шунинг учун ҳар йили 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аجدодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат,

жангларда, меҳнат фронтда жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром изҳор этиш анъанаса айлانган.

Президентимизнинг жорий йил 20 февралдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик

кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига биноан, ушбу санага бағишланган тадбирлар юртимизда бу йил “**Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайд**” шиори остида ўтмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

Бугуннинг гапи

ХОРАЗМДА ТАЪЛИМДАН БАНДЛИККА ҚАДАР: ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ВА АНИҚ МАҚСАДЛАР

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ўтган йиғилишда таълим соҳасига оид қатор ўта муҳим ва долзарб вазифалар белгиланди. Йиғилишда, айниқса, битирувчи ёшларнинг тақдир, келажак, меҳнат бозорига муносиб ўрин топиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз техникум битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ ва манзилли топшириқлар берди. Бу бежиз эмас. Чунки бугун юртимиздаги минглаб ёшлар билим олиб, меҳнатга тайёр ҳолда ҳаёт йўлига қадам қўяётган бир пайтда, уларнинг келажакда ўз ўрнини топиши, орзу-умидларини рўёбга чиқариши жамиятимиз тараққиёти учун жуда муҳим.

Йиғилишда ўқитиш жараёнини замон талаблари билан интеграция қилиш мақсадида дуал таълим тизимини янада кенгайтириш, ўқувчи ва талабаларни ишлаб чиқариш жараёни билан уйғун равишда ўқитиш зарурлиги таъкидланди. Шу билан бирга, олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт, аграр йўналишдаги

дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди. Бу юртимиз таълимида сифат ва халқаро тан олинган мезонларга эришиш сари қўйилаётган муҳим қадамлардан.

Дарҳақиқат, ҳозир мамлакатимиз тараққиётнинг асосий устувор йўналишларидан бири ёшларнинг муносиб таълим олиши ва иш билан таъминланишидир. Шу нуқтаи назардан, техникум битирувчиларининг бандлигини таъминлаш энг долзарб масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Бонси, бу масала диплом олган ёшларнинг эртага ҳаётда ўз ўрнини топиши, меҳнат қилиш имконига эга бўлиши, оила боқishi, орзу-умидлари сўнмаслиги билан боғлиқ.

▶ Давоми 5-бетда

ТИНЧЛИК – ЭНГ УЛУҒ САОДАТ

Юртимиз тинч, халқимиз фаровон. Аслида, шунинг ўзидек катта саодат. Ижтимоий тармоқлар орқали кўриб, кузатиб турибмиз: жанг майдонига айланган ҳудудларда болалар очликдан ҳалок бўляпти. Одамлар бир марта қорин тўқлаш учун ур-йикит қилиб навбатда турибди. Булар биз учун ибрат бўлиши, ҳозиргидай тинч ва хотиржам кунлар учун шукрона айтишимиз керак.

Бундан 80 йил аввал тугаган Иккинчи жаҳон уруши халқимизнинг бошига ана шундай оғир кунларни солган эди. Халқимиз бундай синовли кунларни мардона яшаб ўтди. Ҳатто дунё халқларига намуна ҳам бўлди. Асир тушгач, битта нонни 101 га

бўлиб еган боболаримиз дунё аҳлига инсоф, адолат ва сабр борасида сабоқ берди.

Ўзи бир аҳволда яшаётган бўлса-да, ўнлаб етим болани бағрига босган ҳам, беш баҳодир ўғлини урушга юбориб, келинлари билан фронт ортида меҳнат қилган ҳам

жафокаш халқимиз эди. Бугун уларнинг ҳаёт йўли биз учун ибрат бўлмоғи керак. Ахир урушнинг мудҳиш оқибатлари бугунги тинчлигимиз қадрини ёдга солади.

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан боғлиқ тадбирларни “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайд” шиори остида ўтказиш белгилаб берилди.

Шу кунларда халқимизнинг тарихий қаҳрамонлиги, фидокорона меҳнатини улуг'лашга қаратилган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бу ёш авлодни она ватанга садоқатли, тинч, осойишта ҳаётимизни асраб-авайлашга қодир инсонлар этиб тарбиялашда қўл келади, албатта.

▶ Давоми 2-бетда



Бошланиши 1-бетда

Президентимиз жорий йил 8 май куни Ғалаба боғидаги “Миллат фидойилари” хиебонида бўлди. Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti қатнашчиларини байрам билан табриклаб: **“Аввало, сизларни, сиз орқали барча фахрийларимизни Ғалабанинг 80 йиллиги билан табриклайман. Халқимиз номидан барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман. Сизларнинг қаҳрамонлигиниз туфайли бугунги авлодлар шундай тинчлик-фаровонликда яшаяпти. Бу тинчликнинг қадрини ёшларимизга сизлар орқали етказишимиз керак. Хаётигинизнинг ўзи бизга намуна. Ҳар бир гапингиз жуда катта таълим, билим. Илоҳим, соғлигингиз мустаҳкам бўлиб, кўп йиллар фаҳримиз, дуоғўйимиз бўлиб юринг”**, деди.

Шунингдек, миллат фидойилари туғилган туманларда хотира тадбирлари ўтказиш, уларнинг мардлигини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш, қаҳрамонликлари ҳақида асарлар ёзиш зарурлиги таъкидланди. Бу ҳам аслида тарбия, ёш авлод камоли йўлидаги яна бир ижобий қадамдир. Чунки мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

таъминот базасига айланган эди. Маълумотларга кўра, жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, кийим-кечак ва озиқ-овқат етказиб турилган. Ғоят оғир шароитга қарамай, халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, онасидан жудо бўлган 250 минг етим болани ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатган.

Ҳар бир рақам ортида ўзинга хос тарих, инсон тақдири ётибди. Агар улар юксак савиядаги бадиий асарга айланса, қанчадан-қанча қалбларга эзгулик, тинчлик ва шукроналик ҳиссини олиб киради. Ҳа, бундай фидойи, ватанпарвар инсонларни хотирлаш ва қадрлаш замирида ана шундай улуг инсоний туйғу муҳассам.

Бугун янги Ўзбекистон дунё аҳлини тинчлик ва эзгуликка қорлаётган мамлакат сифатида танилиб улгурди. Мамлакатимиздаги ташаббускорлик туфайли халқаро майдонда ўз ўрнини ва сўзимизга эга бўлди. Ана шундай вазиятда Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишдек катта мақсад сари дадил бораёلمиз. Бунга инсон қадрини улуғлаш орқали эришишни мақсад қилганимиз. Шу маънода, Хотира ва қадрлаш куни ҳам аслида инсон қадрини улуғлаш демек.

МЕҲР ВА ҒАМХЎРЛИКНИ ҲИС ЭТИБ ЯШАЯПМАН



Усмонжон ота РАҲИМОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Ҳамиша Президентимизнинг меҳри, ғамхўрлигини ҳис қилиб яшаяпман. Бу — биз, кексалар учун энг катта бахт. Айниқса, кейинги йилларда фахрийларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликнинг адоғига етолмайман. Ҳар куни остона ҳатлаб келаётган яхшилар меҳр-муҳаббати, саховатидан баҳра оламан, Яратганга шу кунларга етказгани учун шукрона айтаман.

Уруш кўрган ва жангларда қатнашган авлод сифатида тинчлик бебаҳо неъмат эканини яхши англайман. Ватан ҳимояси учун курашиш ҳар бир инсон учун фарздор. Тинч, осуда ҳаёт кечирिशнинг ўзи энг улуг неъмат. Шундай экан, бугунги ёшлар тинчликни қадрлаши, мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлида фидойилик кўрсатиши лозим.

Уруш оловига кирганимда 18 ёшда эдим. 1943 йил январидан жанг майдонида

уруш даҳшатини ҳис этдим. Шу тарзда Берлингача бўлган оғир жангларда қуролдошларимга елкадош, ғалаба онлари суруридан баҳраманд бўлдим. Шундан сўнг дастлаб япон уруши, кейинги қурилиш-бунёдкорлик ишларида қатнашиб, 1948 йили она юртимга қайтиб келдим. Турмуш ўртоғим билан 4 ўғил, 3 қизни эл-юрт хизматида камарбаста инсонлар қилиб тарбияладик. Ҳозир 100 га яқин не-вара-чевара қуришвида, давлатимизнинг меҳри, ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб яшаётганим билан фахрланаман.

Қадрдон оиласи ва халқи ардоғида бўлиш, юртга керакли эканини ҳис этиш инсонни яшашга ундайди. Меҳр-эътибор, бир оғиз ширин сўзга муштоқ биз — кексалар учун бундан ортиқ хурсандлик йўқ, аслида. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган давомли тадбирлар эса биз каби уруш фахрийларини беҳад мамнун этмоқда. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбатнинг чек-чегараси йўқ. Ҳар куни хонадонимизга йўқлаб келиб, хурмат-иззат кўрсатаётган меҳмонлар ташрифидан беҳад севиниб, дуога кўл очаман.

Бу йилги 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳар йилдагидан бошқача, кўтаринки руҳда, ҳамжихатликда ўтказилди. Вилоятимиз, шаҳримиз раҳбарлари келиб, Президентимизнинг пул мукофоти ва бошқа қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Бундай ғамхўрлик умримизга умр кўшади, албатта.

Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, дориламон кунларга асло кўз тегмасин!

Фаргона вилояти

Озод юртда, яқинлар билан соғ-омон яшаш биз учун орзу эди. Худога шукр, нияттигизга етдик. Энди келажақ авлод ҳам бугун нафас олаётган эркинлик ҳавоси абадий бўлиши учун ҳисса қўшиши керак. Бу юртнинг тупроғи учун тўкилган қонлар, эркинлик учун берилган жонлар хотираси абадий бўлиши шарт.

ҲАМОН ҚУЛОҒИМГА ЖАНГГОҲДАГИ ФАРЕДЛАР ЧАЛИНГАНДАЙ БЎЛАДИ

Ускан ота ХАДЖИМАНОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Одам омон бўлса, бошидан кўп нарсаси ўтар экан. Бежиз “инсоннинг боши тошдан”, дейилмаган. Уруш ёшни ҳам, қарини ҳам аямади, домига тортиб кетди. Умримнинг яримдан кўпи уруш ва унинг оқибатлари билан курашиш орасида ўтди.

Ҳеч ким бу дунёга уруш қиламан, жангга кираман деб келмайди. Аммо ҳаёт шундай экан — биз кўрган кунларнинг заҳмати бугуннинг ҳикматига арзймайди. Тинчлик энг улуг неъмат эканини ҳар куни теран ҳис қиламан.

Яқинларимни, жигарларимни ортимда қолдириб, жанггоҳ сари йўл олганимда бошимга не кунлар тушишини билмасдим. Қишлоғимиздан мен билан бир сафда жўнаган йигитларнинг кўпи бугун ўзга юрт тупроғида ётибди.

Ҳануз қулоғимга жанггоҳдаги фарёдлар чалингандай бўлади. Уруш майдонларида юрган пайтимда ҳаёлимдан тугилиб ўсган ерим, ватан соғинчи ўтарди. Биз бу майдонга ватан учун жангга кирдик.

Худога минг марта шукр, тинчлик ва эркинлик замониди яшаяпмиз.

Президентимиз табригини вилоят ҳокими ўқиб эшиттирди. Бизга кўрсатилаётган эътибордан жуда мамнун бўлдик. Байрам муносабати билан 10 минг доллар миқдориди мукофот ҳам берилди. Шундай даврда алоҳида эътибордан хурсанд бўлиб, қўлимизни дуога очдик. Аслида, ҳар куни юртимиз тинчлиги, фаровонлигини сўраб, дуо қиламиз. Яратилаётган имкониятларни кўриб, қувонамиз.

Бир ўғил, уч қизнинг отасиман. Фарзандларим ва набираларимга тинчликнинг, эркинликнинг қадрига етиб яшашни, бор имкониятлардан унумли фойдаланишни уқтираман.

Озод юртда, яқинлар билан соғ-омон яшаш биз учун орзу эди. Худога шукр, нияттигизга етдик. Энди келажақ авлод ҳам бугун нафас олаётган эркинлик ҳавоси абадий бўлиши учун ҳисса қўйиши керак. Бу юртнинг тупроғи учун тўкилган қонлар, эркинлик учун берилган жонлар хотираси абадий бўлиши шарт.

Сурдарё вилояти

ОСУДА, ФАРОВОН, ТЎКИС ҲАЁТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Ҳамидулло АБДУЛЛАЕВ, фронт орғи меҳнат фаҳрийси:

— Бу ёруғ дунёда энг азиз неъмат — тинчлик. Кошона уйингиз, туганмас бойлигингиз бўлсин, аммо тинчлик бўлмаса, ҳеч нарсаси татимайди. Ҳозирги дориламон кунларимизда, тинч замонда ҳам қаерлардир ўқ овозидан саросимада яшаётганлар буни жуда яхши билади. Яратганга шукр, бир бурда нонни бемалол еб, осойишта ором оляпмиз. Шу кунларни кўриш учун миллионлаб одам жанг майдонларига кирди, фронт ортида ғалабага ҳисса қўшди. Аёллар, қариялар ҳам қараб турмади, жон-жаҳди билан ёруғ кунлар учун курашди. Шунинг учун ҳам бу қаҳрамонлик, фидойилик, фарзандлик бурчига содиқлик 80 йилдирки, юксак қадрланиб келяпти.



“Ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик медалини кўзимга суртиб, кўксимга тақиб олдим. Не-вара-чеваралар чуғурлаб, “Нимага бундай қилипсиз?” дейди. Бу энг бебаҳо сийлов эканини тушунтириб, уруш ҳикояларидан айтиб бераман уларга. Нафақат уларга, жуда кўп мактабларга, ёшлар давраларига борганимизда бугунги кунларнинг қадрига етиш кераклигини айтаман. Такрор айтаман: тинчлик — энг улуг неъмат. Шунинг учун тинчликни сақлаб турганлар, тинчлик учун курашганлар қаҳрамон бўлади. Уруш йилларидагина эмас, ҳозир ҳам шундай қаҳрамонлик қилаётганлар бор. Чунки эшитиб, билиб турибмиз: кўп жойларда уруш ўчоғи очилган. Ёш болалар уйнаб-қулиб богчасига, мактабга бора олмапти. Пана-пастқамларда беркиниб ўтиришга, ўзини эҳтиёт қилишга мажбур бўляпти. Энг ёмони — шу. Мана, нимага биз шукрона айтишимиз керак!

Ана шундай мураккаб замонда юртимиз тинчлиги учун кеча-кундуз хизмат қилаётганлар бисёр. Бугунги байрам уларни ҳам қадрлашга ундайди. Фарзандларимиз ишга, ўқишга бориб, оиласи бағрига эсон-омон қайтиб келяпти. Ҳамама шароит муҳайё. Бозорларимиз тўкин-сочин. Истаган нарсангиз топилади. Такрор-такрор шукрона айтиш учун яна қандай шароит керак одамзодга? Мардона жанг қилиб, бегона юртларда қолиб кетганлар тақдири ибрат эмасми? Ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетганлар қисмати-чи?

Янги Ўзбекистондаги тинч, фаровон, тўкин ҳаётга ҳеч қачон кўз тегмасин! Ҳеч қачон аҳилигимиз, қадриятларимиздан айрилмайлик. Хотиржамлигимиз учун куну тун меҳнат қилаётганлар, чегараларда бедор турганларни Яратганнинг ўзи асрасин!

Наманган вилояти

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН МИННАТДОРМАН

Рашида ая ЭШҚУЛОВА, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан хонадонимиз гавжум бўлади. Бу йилги байрам ўзгача шукўҳда ўтди. Вилоятимиз ҳокими кўнгилдан хабар олиб, Президентимиз табригини етказди, 10 минг доллар миқдориди байрам совғасини топширди. Жуда ҳам хурсанд бўлдим.

Уруш вақтидаги қийинчиликларни эслаш мен учун доим оғир. Асли Бошқир-

дистоннинг Стерлитамак шаҳарчасида туғилганман. Айни ёшлик йилларим оловли Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Москвада ҳарбий ҳамширалик курсида тайёргарликдан ўтиб, госпиталда иш бошлаганман. 1943 йили мен ишлаётган госпиталь дала госпиталига айлантирилиб, фронт чизигига кўчирилди. Уруш даврида ярадор аскарларни госпиталга етказиш ишларида иштирок этдим. Ҳар куни ўлим билан рўбарў келардик. Жанг майдонларидан ярадор аскарларни олиб чиқар эдик. Москва, Киев, Минск ва Варшава



БИЗ КЎРГАН ОҒИР КУНЛАРНИ ҲЕЧ БИР АВЛОДИМИЗ КЎРМАСИН

Холбек РАВШАНОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Бахтли инсонман. Оллоҳ умримни узун қилган экан, урушдан омон келиб, фарзандлар ўстириб, уларнинг камолини, давлатимизнинг мустақиллигини, юртимиз ободлигини, элимиз фаровонлигини кўриб, тинч ва осуда кунларда яшаётирман. Кексалиқда бундан ортиқ бахт борми! Туман раҳбарлари, ҳамқишлоқларим, шифокорлар ҳол-аҳвол сўраб келиб туради.

Кеча вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Улуғбек Мустафоев уйимизга келиб, Президентимизнинг табриғи ва совғаларини топширди. Қувончдан кўзимга ёш келди. Мана шундай юртпарвар, халқпарвар Президентимиз борлиғи, тинч, обод ва ривожланиётган ватанда яшаётганимиз — энг катта бахтимиз.

1943 йили ҳарбий хизматга қақирилганимда 18 ёшли навқирон йигит эдим. Украинанинг Харьков шаҳрида қисқа



муддатли жанговар тайёргарликдан сўнг Беларус фронтдаги қўшин таркибидида жангга кирдим. Ўша ерда илк бор “уруш” деб аталувчи машум қабоҳатнинг бутун даҳшатида дуч келдим.

Беларусь тупроғидан бошлаб, ҳар даққа ўлим билан юзлашиб ярим

Европани босиб ўтдик. Атрофимда ҳали ҳаётдаги бирор орзу-умидини амалга ошириб улгурмаган сафдош, тенгқурларимнинг қандай ҳалок бўлганини кўрдим. Вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларда бошпанасидан, яқинларидан айрилган аёллар, болалар, кексаларга дуч келиб, тинчликдан бебаҳо неъмат йўқлигига такрор-такрор икор бўлдим.

1944 йили Псков шаҳрини душмандан озод қилиш учун бўлган шиддатли жангларнинг бирида душман снаряди портлашидан оғир яраландим. Ҳарбий госпитал жарроҳлари танамдан анчагина снаряд парчасини териб олганди ўшанда. Аммо ҳаммаси олинмаган экан. Қовурғам орасида қолиб кетган сўнгги осолка орадан 34 йил ўтиб, 1978 йилда олиб ташланди.

Ғалаба қозондик. Аммо уруш ҳамма учун ҳам тугаган эмасди. Биринчи навбатда, хизматга урушнинг бошида борганлар, ёши катта аскарлар уйига қайтди. Мен каби ёш аскарлар эса урушдан сўнг вайрон бўлган халқ ҳўжалигини тиклаш учун керак эди. Грузида ҳарбий хизматни давом

этитириб, уруш асоратларини тугатишда иштирок этдим.

1948 йилда ҳарбий хизматни тугатиб, уйимга — Бахмал туманидаги Беклар қишлоғига қайтиб, жамоа ҳўжалигида ишлаш бошладим. Уйландим. Турмуш ўртоғим билан 5 ўғил, 4 қизни воёга етказдик. 1954 йилда Зомин туманидаги Егтикечув қишлоғига кўчиб ўтдик. Бу қишлоққа кўчишимнинг асосий сабаби Зомин ўрмон ҳўжалигига ишга ўтишим эди. Ўн йил шу ҳўжалиқда, сўнг Зомин халқ паркида ишладим. Урушда олган орден ва медалларим қаторига тинч меҳнат даврида берилган давлат мукофотлари қўшилди. Шу ердан пенсияга чиқдим.

Дарҳақиқат, тинчлик, осойишталик — бебаҳо неъмат. Уни асрашга ҳар биримиз масъулмиз. Бунинг учун, аввало, дориламон кунларнинг қадрига етиш керак. Юртимизнинг тинчлиги, дастурхонимиз тўкилиги бардавом бўлсин, биз кўрган оғир кунларни ҳеч бир авлодимиз кўрмасин.

Жиззах вилояти



ХАЛҚ ЖАСОРАТИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ



Наим ОБЛОМУРОВОД,
тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Яқин вақтларга қадар 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда қатнашган, деб ҳисобланарди. Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида қайд этилишича, ўша оғир йилларда қарийб 2 миллион ўзбекистонлик жангчи фронтга сафарбар этилган. Уларнинг 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 60 мингдан кўпроги эса ногирон бўлиб қайтган.

Шу фактларнинг ўзича бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарор уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда жасорати, мардона меҳнати, метин иродаси ва инсонийлиги билан башариётни фашизм балосидан сақлаб қолиб, дунёда тинчлик ўрнатилишига ҳисса қўшган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлиш қадрият ҳисобланади. Пойтахтимиздаги Ғалаба боғи Иккинчи жаҳон уруши майдонларида ҳамда машаққатли меҳнат фронтда мардлик ва жасорат кўрсатган барча юртдошларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, номларини абадийлаштириш, ўзбек халқининг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссасини кенг миқёсда намойён этиши ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уруш асоратларини ҳеч қачон унутмасликка чорлов мақсадида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига эътибор кейинги йилларда юксак даражада ошгани эътирофга лойиқ. Уларнинг шиёфохоналарда даволаниши, сичахтоҳларда дам олиши, ҳаж ибодатларига бориши учун катта имтиёзлар бериләтир.

Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва тақлиди асосида тайёрланган ва нашр этилган “Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси” ва “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” туркум китоб-альбомлари аҳамиятли бўлди. Уларда Ўзбекистондаги ва хориждаги архивлар, музейлар фондларида, уруш қатнашчилари оилаларида сақланаётган ноёб ҳужжатлар, суратлар эълон қилинди. Шунингдек, урушда қатнашган ота-боболаримиз номини абадийлаштириш, улар кўрсатган қаҳрамонлик ва жасоратни доимо ёдда сақлаш ҳамда жанглардаги қаҳрамонликлари учун унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган юртдошларимиз тўғрисида маълумот берувчи www.warheroes.uz сайти яратилди.

Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилган эмас. Маскур даврини тизимли ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб турибди. Чунки тарих ўзининг маънавий-маърифий вазифасига кўра, инсонда қадриятлар тизими шаклланишида муҳим ўрин тутadi. Бу борадаги ишлар давлат телевидениеси ва радиоси, жумладан, “Ўзбекистон тарихи” ва “Маданият ва маърифат” телеканаллари, shon-sharaf.uz сайти орқали олим ва мутахассисларимиз сай-ҳаракатлари билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт орқасидagi жасоратлари Иккинчи жаҳон урушининг ғолибона яқунланишида катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ўша оловли йилларда мамлакатимизда етти ёшдан етмиш ёшгача — бутун халқимиз “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун” деб яшadi, ором ва ҳаловатдан воз кечиb, тинимсиз оғир меҳнат қилди, юртимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

Урушнинг дастлабки кунларидан фронт ҳудудларидан минглаб аҳоли, санoат корхоналари, ўқув юр்தлари, илмий муассасалар ва бошқа моддий бойликларни мамлакат ичкарисига кўчириш бошланди. Оммавий

сафарбарлик ва ҳўжалик ҳарбий изга бурилишига қарамай, ўша йилларда республика-мизда 280 та янги корхона ишга туширилиб, аксарияти бир ойда, узoғи билан 45 кунда маҳсулот бера бошлади. Натижада 1945 йил-га келиб, республикада санoат ишлаб чиқариши уруш арафасидагига нисбатан деярли 2 барoбар ортди, нефть қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасoзлик маҳсулотлари 13,4, қўмир қазиб чиқариш 30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 барoбар кўпайди.

Маҳаллий ва эвакуация қилинган корхоналар базасида ҳарбий машинасoзлик ривожланиб, 1943 йилда бу соҳа 4 қарра ўсди. Кичик ва ўрта гидростанциялар қурилиши эвакуация қилинган корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаб берди.

1941 йил 26 июндан бошлаб мамлакатда ишчи ва хизматчиларга ишдан ташқари вақтда мажбурий меҳнат қилиш, катта ёшдагилар учун ҳафтада 6 кунлик, кунига 11 соатлик иш режими жорий этилиб, таътиллار бекор қилинди. Идора хизматчилари, уй бекалари ва ўқувчилар ҳам ишлаб чиқаришга жалб этилди. Агар 1940 йилда санoат корхоналари ишчилари орасида хотин-қизлар салмоғи 34 фоизни ташкил қилган бўлса, 1942 йилда бу кўрсаткич 63,5 фоизга етди.

Урушнинг дастлабки пайтларида республикадаги 1700 га яқин хотин-қиз кўмир конларига, 20 мингга яқин тошкентлик хотин-қиз эса санoат корхоналари ва қурилишларга ишга йўл олди. Олий ва ўрта махсус ўқув юр்தлари, хунар-техника билим юр்தлари, фабрика, завод таълими мактабларининг фаолияти уруш даври талабларига мос кадрлар тайёрлашга йўналтирилди.

Ғалабани таъминлашда Ўзбекистонда уруш йилларида ишлаб чиқарилган қурол-аслаҳалар алоҳида роль ўйнади. Санoатнинг асосий қисми ҳарбий қурол ишлаб чиқаришга йўналтирилиб, улар жанг майдонига узлуксиз юбориб турилди. Натижада Ўзбекистон уруш йилларида фронт учун 2100 та самолёт, 17 минг 342 та авиамотор, 2 миллион 318 мингта авиабомба, 60 мингта яқин ҳарбий-кимёвий аппаратура, 22 миллионта мина ва 560 мингта снаряд, 1 миллионта граната, 330 мингта парашют, ҳарбий эҳтиёж учун 100 минг километрдан ортиқ турли симлар, минани аниқлаб берувчи 4,5 мингта қурилма, 2 миллион 861 минг жуфт этик ва 59 минг бошдан зиёд от ва бошқа ҳарбий анжомлар етказиб берди.

Мамлакатимизда кўчирилган корхоналардан ташқари 280 та янги санoат корхонаси барпо этилди. Ялпи ишлаб чиқаришда санoатнинг улуши 1938 йилдаги 69,4 фоиздан 1945 йилда 80 фоизга етди. Санoат ва қишлоқ ҳўжалиги ўртасидаги мувозанат-



нинг кескин ўзгариши иқтисодий ресурсларнинг ҳарбий санoатга қўллаб ажратилиши билан боғлиқ эди.

Урушда ғалабага эришиш кўп жиҳатдан транспортга боғлиқ. 1943 йил 25 январда “Тошкент темир йўли иши тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди. Темир йўл ҳарбий ҳoлатга ўтказилди, унда ишловчилар уруш-га сафарбар этилган деб ҳисобланди. Улар ҳарбий хизматчилар каби қаттиқ интизомга риоя этишга мажбур эди.

Поездлар ҳаракатида қўшинлар ва ҳарбий юкларни биринчи навбатда ўтказиб юборишни кўзда тутувчи ҳарбий график жорий этилди. Тошкентлик темирйўлчилар кўчириб келтирилаётган корхоналарнинг асбоб-ускуналарини ва миллионлаб киши-ларни Ғарбдан Шарққа, жанговар техника ва қурол-яроғларни Шарқдан Ғарбга ўз вақтида тўхтовсиз ўтказиб туришдек улкан вазифани шараф билан бажарди.

Ўша йилларда озоd бўлган ҳудудлар учун юзлаб трактор, автомашина, комбайн, севалкалар, агроном ва ҳайдовчилар билан жуна-тилди. Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро ви-лоятлари 50 минг бош қўй ва 190 минг бош қорамол юборди. 1944 йили юз мингта китоб совға қилинди.

Қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари ҳам уруш йилларида ҳақиқий жасорат намуна-ларини кўрсатди. Ўша йилларда давлатга



4 миллион 148 минг тонна пахта, 82 миллион пуд ғалла, 54 минг 67 тонна пилла, 195 минг тонна шoли, 57 минг 444 тонна мева, 36 минг тонна қурилган мева, 159 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

1944 йилнинг 20 январидан 17 мартгача ўзбекистонликлар озоd қилинган туманлар учун ўз шахсий пуллари эвазига 122 минг 147 бош чорва моли сотиб олиб, бегараз ёрдам тариқасида юборди.

Геологик қидирув ишлари натижасида қўллаб қoра ва рангли металл конлари очилди. Уруш йилларидаёқ Лангар, Ингичка, Қўйтош, Қоратепа, Олмалик рангли металл конлари, Октош боксит кони ўзлаштирилди. Улардан қазиб олинган вольфрам, молибден, мис, алюмин ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналар қурилди. Кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик ва пoйабзал, oзиқ-овқат, маҳаллий санoат тармоқлари ривожлантирилди. Биргина 1943



академия ҳисoбига кўпайди. Бу ўқув юр்த-ларида уруш йилларида 11 минг 750 нафар юқoри малакали мутахассис ва 6 минг 673 ҳарбий кадр тайёрланди.

Ўша сурoнли йилларда 370 дан ортиқ таниқли олим Тошкентга кўчиб келди. Улар орасида sobиқ иттифoқ Фанлар академияси академиклари ва муҳбир аъзолари, фан докторлари, профессорлар бор эди.

Агар 1941 йил ноябрь ойигача Ўзбекистонга 22 та илмий-тадқиқот институти, 16 олий таълим муассасаси, 2 кутубхона эвакуация қилинган бўлса, 1943 йилга келиб кўчирилган илмий-тадқиқот муассасалари сони 40 дан oшган эди. Улардан 25 таси Тошкент шаҳрида, 8 таси Самарқандда, 5 таси Фарғoна вилоятида, қолганлари бошқа вилоятларда жойлаштирилди.

Шунингдек, уруш йиллари Ўзбекистонга 53 та олий таълим муассасаси ва 300 га яқин иқидий ташкилот ҳам кўчирилди.

Ўзбек адиблари халқимизнинг ёвуз душманга қарши курашида муносиб ҳиссасини қўшди. Ҳасий, Ҳамид Олимжон, Шайхoзoда, Ғaфур Ғулoм, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фaттоҳ каби шоир ва ёзувчилар уруш майдонларига сафарбар этувчи шеърлари ва мақолалари билан халқни ғалабага руҳлантирди. Мирзакалон Исмоилӣ, Илёс Муслим, Назармат, Адҳам Раҳмат, Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим, Зиннат Фaтхуллин, Адҳам Ҳамдам каби ёзувчи ва журналистлар фронт газеталарида хизмат қилди. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғaфур Ғулoм, Амин Умарӣ, Раъно Узоқова ва бошқа шоир-ёзувчилар ҳўкумат делегациялари таркибида фронтнинг олдинги марраларига бориб, ўз қаҳрамонлари билан танишди, юртдошларимиз жасоратларини тараннум эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида республика-мизда 30 дан ортиқ концерт бригадаси ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Туркестон ҳарбий округи қисмлари ва госпиталдаги ногиронларга 26 мингта концерт қўйиб бериб, жангчиларни руҳлантирди, уларни ғалабага ундади. Айниқса, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Мукарама Турғунбоева, Сoра Эшонўраева, Абрoр Ҳидoятoв, Шўқур Бурхoнов каби санъаткорлар иштирокидagi концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик бахш этди.

Урушнинг ғoлибона яқунланишида ўзбекистонликлар кўрсатган жасорат эътиборсиз қолмади. Яъни 214 мингта яқин ўзбекистонлик sobиқ иттифoқ орден ва медалларига сазовор бўлиди. 301 ҳамоиртимизга қаҳрамон унвони берилди.

Бугун халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этмоқда. Янги ҳаёт, бекиёс ўзгаришлар ҳар биримиздан фидойилик ва бунёдкорлиқни, сафарбарлиқни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...Бу жараянда тинчлик ва oсийшталлиқни асраш, жаҳон ҳамажиятига, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлиқни кучайтириш-ни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз”.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчисига ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Уларнинг ҳар бирига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар бериб келиняпти. Бунӣ ҳеч иккиланмасдан янги Ўзбекистонда халқ жасоратига кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунаси, дейиш мумкин. Қoлаверса, бу бизни ўтмишдан тўғри хулoса чиқариб, доимо хушёр ва oтоҳ бўлишга, аждoдларимиздан ибрат олиб яшашга рағбатлантиради.

“Ўша оловли йилларда Ўзбекистондаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган бутун халқ, жумладан, аёл-қизлар ҳам “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!” деб яшadi. Ором ва ҳаловатдан воз кечиb, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Мамлакатимиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК СОЛНОМАСИ

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни юртимизда “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” шиори остида ўтказилмоқда.



Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Ушбу сана муносабати билан кунӣ кеча Президентимиз Ғалаба боғига таширф буюриб, хотира маросимида иштирок этди. Сўнгги йилларда шакланган анъанага мувофиқ, давлатимиз раҳбари “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда ватан равнақи, тараққиёти ва ҳимояси учун курашган буюк аждoдларимизга алоҳида эътибор ва чўқур эҳтиром кўрсатиш эзгу қадриятга айланди. Шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасини улуғлаш доимий эътиборда.

Халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати инсоният ёдида абадий қолди. Ҳўжжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минглик халқимизнинг қарийб 2 миллиони иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 мингги бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиги қонц-лавларда мислсиз қийноқ ва азoблар туғайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланган, жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, кийим ва oзиқ-овқат етказиб берган. Ғoят оғир шарoитга қарамай, халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг етим болани ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатган.

Президентимиз ота-боболаримизнинг ушбу жасорати ва фидойилиги хўсусида тўхталар экан, “Булар чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир. Бундай мураккаб ва шoнли ғалабага муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Бу қаҳрамонликларни ҳеч қачон унутмаслигимиз, ёшларимизга етказишимиз керак. Айниқса, ҳозирги таҳликали замонда бунинг аҳамияти нийҳоятда катта. Ҳаммамиз ватан ҳимоясига ҳар кунӣ тайёр бўлишимиз керак”, деб таъкидлади.

Ҳақиқатан, аждoдларимизнинг бундай ҳаёт йўли ҳар биримиз учун улкан ибрат-дур. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Жаҳон архивлари ўрганилиб, бу борада янги топилган маълумотлар халқимизга тақдим этилмоқда. Илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан муқoфотланган Ўзбекистон

вакилларининг сонига ҳам ойдинлик кири-тилди. Илгари бу кўрсаткич 120 минг деб қайд этилар эди. Янги маълумотларга асосан, Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат муқoфотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисoблаб келинган ўзбекистонлик совет иттифоқи қаҳрамонлари сони 301 нафар экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани ўз тасдиғини топди.

Ўша оловли йилларда Ўзбекистондаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган бутун халқ, жумладан, аёл-қизлар ҳам “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!” деб яшadi. Ором ва ҳаловатдан воз кечиb, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Мамлакатимиз фронт-нинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябргади “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ғалаба боғи ташкил қилинди. Бу боғда уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қаҳрамонлиқни улуғлайдиган, ўзида она ватан тимсолини мужассам этган “Матонат мадҳияси” монументи ёдгорлик мажмуаси ўрнатилди. Мажмуага қандайдир бадий образ эмас, балки ҳақиқатда рўй берган тарихий воқеа — зангюталик Зулфия Зокирова ҳамда унинг oilаси тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Зулфия Зокирова ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида беш азамат ўғлидан жудо бўлган. Ғалаба боғи марказида жойлашган бу муазам мажмуа Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал бўлиб, она ватан рамзини ifода этади. Зеро, Ғалаба боғи халқимиз қаҳрамонлигини улуғлайдиган, қадр-қимматини юксалтирадиган бетимсол мажмуа-дир.

Бугун юртимизда Иккинчи жаҳон уру-шининг ҳар бир қатнашчисига ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ҳар бирига моддий, маънавий ва бошқа турдаги ёрдамлар берилмоқда. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, ватан тинчлиги учун фидойилик кўрсатган аждoдлар жасорати ҳа-миша эъзoв ва эҳтиромга муносиб эканининг юксак намунасидир. Зеро, тарихий хотира барчамизни ўтмишдан тўғри хулoса чиқариб, доимо хушёр ва oтоҳ бўлиш, аждoдларимиздан ибрат олиб яшашга даъват этади.



4

2025 йил 10 май, 95-сон

ТАҲЛИЛ

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Сунъий интеллектдан қандай мақсадда фойдалансак, натижаси ҳам шунга яраша бўлади

Яқинда ижтимоий тармоқларда янги бир челленж, трендга кўзим тушди. Ҳамюртларимиз сунъий интеллект ёрдамида расмлар анимесини яратиб, жамоатчиликка улаша бошлади. Интернет илк оммалашаётган пайтда ҳам кўпчилик уни кўнгил ёзиш учун ишлатарди. Бугун эса интернетсиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Илгари бирор нарсани кидирсак ёки тушунмай қолсак, интернетга ёзиб кўр, дея маслаҳат беришарди. Ҳозир эса ChatGPTдан сўра деишарди.

Қундалик турмушимизга яшын тезлигида кириб, оммалашиб бораётган сунъий интеллектта ҳам жамоатчилик орасида бир пайтлар интернетга бўлгани каби турли қарашлар мавжуд. Кимдир унинг ижобий жиҳатларини, қулайлигини таъриф этса, кимдир ишсизлигини ошириши, инсонларни дангаса қилиб, фикрлаш қобилиятини сусайтириши каби салбий жиҳатларини санай бошлайди. Сунъий интеллектта устозларимизнинг глобал тармоққа берган бир изоҳи мос келади, назаримда: “Сунъий интеллект — бу бир восита, у яхши ҳам, ёмон ҳам бўлолмайди. Сиз ундан қандай мақсадда фойдалансангиз, ўша мақсадга тезроқ ва осонроқ етишингизга ёрдам беради”, деган эди.

Масалан, сунъий интеллектдан диплом иши, диссертация ёзириш ёки кўнгил ёзиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин унинг фойдаси, қўлланиш қўламини бундан анча кенг. Атоқли адибларимиздан бири: “Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас”, деган.

Адибимизнинг фикридан келиб чиқиб айтсак, сунъий интеллект кучини ҳам “ўтин ёриш”га сарфлаб бўлмайди. Унинг иқтисодий аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривож, давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигига қўшадиган ҳиссаси жуда юқори.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (UNCTAD) тадқиқотларига кўра, яқин йилларда сунъий интеллект бозорининг ўсиши 4,8 триллион долларга тенг бўлади. Бу Германия иқтисодиёти билан тенг. 2023 йилда сунъий интеллект глобал технология бозорининг 7 фоизини ташкил этаётган бўлса, 2033 йилга бориб, 29 фоизини эгаллайди.

Ривожланаётган мамлакатлар бу борада анча ортда қолган. Уларнинг учдан биридан камроғида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси мавжуд. Дунё бўйича 118 та давлатда сунъий интеллектни бошқариш, ривожлантиришга ихтисослашган тузилмалар йўқ.

Шу боис, ташкилот ривожланаётган давлатлар сунъий интеллект инфратузилмаси, маълумотлари ва қўникмасини

ривожлантириш учун хорижий сармоялардан фаол фойдаланиши зарурлигини тавсия этади.

Ушбу фактлар Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш учун қандай ишлар қилинмоқда, деган ҳақли саволни ўртага ташлайди.

Дунёда сунъий интеллект, инновация, рақамли ва “яшил” технологиялар, креатив хизматлар орқали “катта сакраш” бўлаётганини таъкидлаган Президентимиз бу йўналишга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 14 октябрдаги қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Стратегиядаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали 2030 йилгача Ўзбекистонни рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект ҳабиға, минтақада соҳадаги етакчи давлатга айлантириш мўлжалланмоқда. Албатта, бу хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорликда бўлади. Шу боис, Президентимиз 2025 йил апрель ойида мамлакатимизда бўлиб ўтган тарихий мулоқот майдонлари — “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ҳамда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йўбилей ассамблеясидаги нутқларида иштирокчиларга сунъий интеллектни тараққий эттиришининг турли йўналишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш таклифини билдирди. Айни пайтда бу йўналишда Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда катта лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Рақамли технологиялардан сунъий интеллектга

Ўзбекистон сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясига эга кам сонли ривожланаётган давлатлар сирасига қиради, бу борада дадил одимлаётгани билан ҳам ажралиб туради. Стратегияда соҳани тараққий эттиришининг аниқ мақсади ва “йўл харитаси” белгиланган. Хужжатда сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш ҳамда сунъий интеллектта тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистон биринчи 50 ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш каби улкан мақсадлар кўйилган.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун мамлакатда керакли инфратузилмалар яратилган бўлиши зарур. Жумладан, сунъий интеллектнинг кенг қамровли ривожланиши соҳалар қанчаллик рақамлаштирилганига боғлиқ. Бу жараёнлар бир-бирини тўлдирди ва узвий равишда

тараққий этиб боради. Бу йўлда my.gov.uz да сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбек тилида мавжуд катта ҳажмли маълумотларни қаррасига кўпайтириш, кучли дастурий таъминот ва йирик ҳажмли маълумотлар сакловчи серверларни тайёрлаш талаб этилади. Жорий йил 1 сентябрда лойиҳалар ва илмий-амалий тадқиқотларни зарур маълумотлар

тизими фуқаролар билан мулоқот, шахснинг кредит тарихини аниқлаш хизматларида сунъий интеллектдан фойдаланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 мартдаги “Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш ва божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди тармоққа сунъий интеллектни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

билан таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча ахборот хавфсизлиги чораларини кўрган ҳолда “катта маълумотлар” базасини яратиш мўлжалланмоқда. 2026 йил 1 майгача эса сунъий интеллект технологияларини жорий этиш лойиҳалари доирасида маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган ҳисоблаш қувватлари ишга туширилади. Бу амалиётлар бевосита сунъий интеллектнинг тараққий этиши, янада оммалашушига замин ҳозирлайди. Зотан, сунъий интеллектнинг асоси, сифат даражаси унинг нақадар кўп рақамлаштирилган маълумотларга эга экани билан баҳоланади.

Аслини олганда электрон шаклда кўрсатиладиган хизматлар кун сайин кўпайётгани ҳам рақамлаштириш жараёни самараси ҳисобланади. Хусусан, айни пайтда банк-молия соҳаси, солиқ ва божхона тармоқлари тўлиқ рақамлаштириб бўлинган. Қувонарлиси, рақамлаштириш билан бирга тармоқларда сунъий интеллектдан фойдаланиш ҳам амалиётга татбиқ этиляпти. Масалан, банк

Тармоққа замонавий технологияларни жорий этиш, албатта, интеллектуал салоҳияти, замонавий компьютер технологияларидан яхшигина хабардор кадрларга эҳтиёжи оширади. Мамлакатимизда бу борада ҳам тегишли амалий чоралар кўриломоқда. Йўналишга хорижий инвестициялар жалб этилиши ислохотлар самарадорлигини янада оширмоқда.

1 миллион сунъий интеллект фойдаланувчиси

Президентимизнинг 2025 йил январда Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташириш чоғида турли йўналишларда, хусусан, сунъий интеллект борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш бўйича қатор келишувларга эришилди. БАА соҳаларга сунъий интеллектни татбиқ этишда катта тажрибага эга. Бу давлат тармоқларни рақамлаштириш ва автоматизация қилиш босқичини қосиб ўтган. Шунингдек, мамлакатда Сунъий

интеллект вазирлиги ташкил этилгани тармоққа давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини аниқлатади. Муҳаммад бин Зоид номидаги Сунъий интеллект университети фаолияти йўлга қўйилгани эса замонавий соҳанинг фундаментал илмий йўналиш сифатида тараққиётига ҳисса қўшади. Бир сўз билан айтганда, улар билан ҳамкорлик бизга катта тажриба майдони вазифасини ўтайди.

БАА вакиллари ҳам Ўзбекистонда тармоққа қаратилган алоҳида эътиборни эътироф этмоқда. Хусусан, “1 миллион дастури” лойиҳасига алоҳида урғу берилиб, Ўзбекистондан 2025 йилда 30 миллион долларлик ИТ хизматлар импорт қилиш режалаштирилган билдирилди. Шу йўналишдаги ўзбек ёшларини масофадан туриб араб компанияларига ишга таклиф қилиш назарда тутилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда “1 миллион сунъий интеллект фойдаланувчиси” лойиҳасини амалга оширишга инвестиция кiritиш орқали ҳамкорлик қилишга иштиёқ билдирилди. Айни пайтда бу бўйича махсус платформа яратилган бўлиб, давлат бошқарувидаги кадрлар малакасини ошириш бўйича ҳам ўзаро ҳамкорлик қилинади.

Муҳаммад бин Зоид номидаги Сунъий интеллект университети билан ҳамкорликда илмий ходимларни тайёрлаш, давлат бошқарувидаги кадрлар малакасини ошириш бўйича ҳам ўзаро ҳамкорлик қилинади.

Юртимиз олий таълим муассасаларида сунъий интеллект мутахассисларини тайёрловчи йўналишлар очилган. Жумладан, 13 та олий таълим муассасасида 2024-2025 ўқув йили учун 1050 та квота ажратилган. Ўқув муассасаларида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилмоқда.

Ҳозир замонавий технологияларни самарали бошқара олиш кадрлар қимматини оширади. Шу боис, “1 миллион сунъий интеллект фойдаланувчиси” лойиҳаси ҳамда замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш борасидаги ишлар ўзбек ёшларининг рақобатбардорлигини оширувчи аҳамиятли амаллардан бири. Бирлашган Араб Амирликлари билан бу йўлдаги ҳамкорлик эса режа ва мақсадларга тезроқ етишишимизга замин яратади.

Пойгада бизнинг ёшлар ҳам муносиб қатнашмоқда

Дунёда сунъий интеллект асосида ишлайдиган дастурларнинг бир-биридан мукаммалроғини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўзига хос пойга кетмоқда. Масалан, америкалик барча саволларга жавоб берувчи ChatGPT чат ботини ишлаб чиқди. 2025 йил

февраль ойида унинг бир оз такомиллашган вариантини хитойликлар DeepSeek номи билан жамоатчиликка тақдим этди. Илон Маск ундан ҳам кўп функцияли GROK-3 чат ботини синовлардан ўтказипти. Бир сўз билан айтганда, давлатлар ва турли тижорат компаниялари ҳар кун янги сунъий интеллект билан ишлайдиган дастурни ИТ бозорга чиқармоқда.

Ўзбекистонда ҳам хавфсизлик, соғлиқни сақлаш, банк-молия соҳаларида сунъий интеллект асосида ишлайдиган турли дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, дунёда биринчи бўлиб Тошкент метрополи-тендида сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган “MyID Palm” технологияси, яъни қафт орқали тўлов қилиш тизими жорий этилди. Ўзбек дастурчилари томонидан ишлаб чиқарилган бу технология кўпгина халқаро тадбирларда эътироф этилиб, 2025 йил охиригача Дубай жамоат транспортида қўлланилиш режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида сунъий интеллектдан, асосан, касалликка тахлис қўйишда фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистон тиббиёт тизимида кўрак бези саратонига тахлис қўйишда сунъий интеллект имкониятларини қўллаш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Ҳозирги кунда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий табиқат марказида бу амалиёт тест синов тариқасида тажрибадан ўтказилмоқда. Янги тизим аниқлик ва тезкорликни янада оширади. Шунингдек, банк-молия соҳасида сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган “My ID”, жамоатчилик хавфсизлиги бўйича “UzFace” технологияларидан фойдаланишмоқда.

Юртимизда сунъий интеллектни ривожлантиришда ёшлар, ёш дастурчи ва тадбиркорларга таяниляпти. Шунчаки таяниб қолинаётгани йўқ, балки сунъий интеллект, рақамли ва “яшил” технологиялар, креатив хизматлар соҳасидаги лойиҳалар ривожига қулай шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра, венчур фондар маблағининг бир қисmini имтиёзли равишда сунъий интеллект лойиҳаларига йўналтириш белгиланди.

Албатта, ёш тадбиркор ва дастурчилар яратилган қулай шароит, қўллаб-қувватлашларга янги стартап лойиҳалари, сунъий интеллект асосида ишловчи дастурлари билан “лаббай” деб жавоб қайтармоқда. Давлат ва жамият суянач бўлиб турганини ҳис қилиб, янги лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда ишонч билан ҳаракат қилипти.

Шундай лойиҳалардан бири сунъий интеллект ёрдамида инглиз тилини ўрганишга қўмаклашувчи “Speaklish.uz” иловасидир. Бугунги кунда бу илова орқали 30 мингдан ортиқ киши инглиз тилини ўрганоқда. Улар орасида чет элликлар ҳам борлиги янада қувонарли.

Ёш тадбиркор Шаҳзод Умрзоқов томонидан асос солинган “Tass Vision” компанияси сунъий интеллект ёрдамида чакана савдонини оширишга ёрдам беради. У ишлаб чиққан дастур 1700 дан ортиқ дўконга ўрнатилган. Ҳозир дунёнинг турли давлатлари тадбиркорлари компания хизматлари қизиқиш билдирмоқда. Айни пайтда МДҲ, Мўғулистон, Туркия, БААдаги ишбилармонлар бу компания хизматларида фойдаланмоқда.

Санасак, бундай мисолларнинг саногига етиб бўлмайди. Юртимиздаги IT-Park сунъий интеллектга асосланган бу каби қўлпаб фойдали дастурларни кунда-кунора ишлаб чиқармоқда. Юқорида келтирилган фактлар ва мулохазалардан хулоса қилиб, Ўзбекистонда сунъий интеллектнинг қечис куч-қудрати “ўтин ёриш”га сарфланмаётганини аниқлаш мумкин. Бу амалий ишлар эса тез орада дунё мамлакатлари орасида ўз ўрнини ва сўзимизга эга бўлишимизга замин яратади.

Санжар ЭШМУРОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ САРАТОН



Ўта-боболаримиз ўзгаларнинг ҳақида ҳазар қилган. Шундан бўлса керак, қадимда дарвозаларга қулф урилмаган. Кўчага чиққан савдогар дўкон эшиги зуфнигина шунчаки чўп қистириб қўя қолган. Президентимиз “коррупцияга жамият танасидаги саратон сифатида қараш зарур”, деганида ҳам халқимизнинг ўзлигини яна бир бор эслатиш, англатишни мақсад қилган эди, назаримда.

Ҳа, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 март куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида порахўрликка айнан шундай таъриф берилди. Коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта гов, унга қарши курашиш умуммиллий вазифа экани қайд этилди. Президентимиз ушбу ташаббусга бутун жамоатчилигини қақариб-гина қолмай, балки юртдошларимизнинг

ҚОНУН ТАҚИҚЛАМАГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ВИЖДОН ТАҚИҚЛАЙДИ

ФАҚАТ КОРРУПЦИЯ БУНДАН МУСТАСНО!

фаол иштирокини таъминлаш тартибини қайта кўриб чиқиш масалаларини ҳам ўртага ташлади. Орадан бир ярим ой ўтиб, аниқроғи, Президентимизнинг шу йил 21 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониини ўқиб, қадимги юнон файласуфи Сенеканинг бир гапи эсимга тушди. Бу гап менда хушайфият уйғотди. Нимага? Буни тушунириш учун, аввало, фармон бандларидаги баъзи ўринлар билан кенгроқ таништиришга тўғри келади.

Фармон бандлари билан танишишдан олдин, келинг, моҳиятини ойдинлаштирадиган баъзи масалаларга тўхталсак. Сўнгги йилларда порахўрликнинг олдини олиш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар чикарилди. Парламент палаталарида масъул кўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва агентлик ташкил қилинди. Коррупциянинг омилларини аниқлаб, аввало, уларга қарши чора-тадбирлар қўллаш тизими йўлга қўйилди. Масалан, ерни ҳоқим қарори билан ажратилган воз кечилиб, аукцион тизимида ўтказилгани натижасида мазкур тизим халқчил бўлди.

“Шаффоф қурилиш” дастури амалиётга кўчгандан кейин бу соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар бошланди. Бугунга келиб барча банклар 100 миллион сўмгача маиший кредитини инсон омилсиз, нари борса, 5 дақиқада онлайн ажратади. Ававал шу иш билан шугулланган, эҳтимом, бундан молиявий манфаатдор бўлган кўплаб банкчилар энди маҳалла оралиб, одамларга лойиҳа, кредит таклиф қилиб, мижозларини кўпайтириш билан шугулланмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида 10 дан ортиқ хизмат турли тўлиқ электрон шаклга ўтказилган, ушбу соҳадаги мурожаатлар сонини 2,5 баробар қамайган. Олий таълимда ҳам аввал тест топшириб, тўплаган балига кўра кейин ОТМни танлаш тизими йўлга қўйилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори “боди-камера”да хизмат ўтаётгани, электрон тизимли аутионлар, қороздаги баённомалардан кечилгани каби чоралар туфайли коррупция омиллари кескин пасайди.

Қоғозбозликда турли соҳаларга оид 300 дан ортиқ ҳужжатдан воз кечилгани, қолганларининг ҳам катта қисминини олишда инсон омилсиз дастурларга ўтирилгани ва шу каби ишларни санай кетсак, асосий мавзудан чалғишимиз турган гап. Бирок ривожланиш давом этар экан, коррупциянинг янги, замонавий кўринишлари, иддизлари пайдо

бўлиш эҳтимоли мавжуд. Демак, бир жойда тўхтаб қолиб бўлмайди.

Ана энди муддаога қўсак. Хўш, янги фармон нимадир билан алоҳида аҳамиятга эга? Ундаги айнан қайси бандларга кўпроқ диққат қаратмоқ лозим? У сизнинг, mening ҳаётимга қандай таъсир кўрсатади?

Мазкур фармон, аввало, коррупцияга қарши кенг қамровли чора-тадбирларни янги босқичга ўтказиш кўрсатмаси билан бошланади. Ҳукумат, вазирлик ва идора раҳбарларга шахсий масъулият юкляпти. Яъни энди раҳбар қўл остидагиларга лойиҳани интернет орқали юбориб қўйиб, хўжакўрсин назорат билан чекланмайди. Қутилган натижа учун энди раҳбарнинг ўзи бевосита жавобгар. Чунки масалага бир поғона юқоририқдан қаралади.

Кейинги бандга ўтишдан олдин бир савол ҳаёлимга келди: сизнингча, одамларда марказга интилиш ҳисси нима учун катта? Чунки марказда қонун яхши ишлайди. Чека туманлардаги кўпчиликда етарли даражадаги ҳуқуқий саводхонлик бўлмаслиги, улар тегишли идоралар билан боғланишга қийналиши мумкин. Фармонда айнан шу жиҳатга астойдил эътибор қаратилгани яққол сезилади. Бунинг учун масъуллар зиммасига маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича “йўл харита”сини

тасдиқлаш, ижроси устидан назоратни таъминлаш вазифаси юкланган.

Маиший коррупция нима, дейсизми? Бу коммунал тўловлар, ҳужжат олиш, аллақандай навбатга ёзилиш каби ҳаётда учрайдиган таъминатлик, уриб қолиш кабилар дегани. Эсингизда бўлса, “Абдуллажон” фильмидаги арини ўлдириб қўйган колхоз раисининг кетмони умчайди. Худди шунга ўхшаб, энди порахўрликнинг ҳам кичиги бўлмайди — ҳаммаси учун жавобгарлик муқаррар. Демак, одатга айланиб қолган “чой пули”, “ҳақ бериш” кабилар ҳам таъкибга олинади. Натижада чека худудларда ҳам худди марказдагидай назорат ўрнатилади.

Коррупция ва жиноятчиликка қарши курашишда парламент ролини тубдан ошириш мақсад қилинган. Жумладан, фармон чиққандан бошлаб парламент нафақат қонун ишлаб чиқарувчи, балки назорат органига ҳам айланади. Унда Олий Мажлис кўмиталарига қатор тавсиялар бор. Улар орасида эътиборини энг кўп тортгани энди вазир ва ҳоқимлик лавозимига номзодлар муайян тизим ёки худудин ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан бирга, коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режасини ҳимоя қилади. Янаям оддий айтганда, порахўрлик иллатини барҳам топтириш энди раҳбарлар учун қатъий вазифа бўлади.

Байрам АЛИ, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



2025 йил 10 май, 95-сон



Бугуннинг гапи

ХОРАЗМДА ТАЪЛИМДАН БАНДЛИККА ҚАДАР: ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР ВА АНИҚ МАҚСАДЛАР

Бошланиш 1-бетда

Касбий таълим тизими, ўз моҳиятига кўра, реал секторга — саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига, қисқаси, мамлакат иқтисодиётининг барча жабҳасига тўғридан тўғри боғлиқ бўлиши керак. Техникум ўқувчилари назарий билимларга эга бўлиш билан бирга, ишлаб чиқариш муҳитида пишган амалиётчи мутахассис сифатида шаклланиши шарт. Зеро, давр талабига кўра, фақат назария эмас, тажриба ҳам муҳим.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида таълим тизимини меҳнат бозори билан интеграция қилишга катта эътибор қаратиляпти. Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар касбий таълим муассасаларининг вазифаларини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳаёт талабларига мослаштиришга ундамоқда. Бу жараёнда техникумлар фақат ўқув марказлари эмас, балки келажак учун мақсадни шакллантирувчи устаноларга айланиши лозим.

Давлатимиз томонидан касбий ва олий таълимни ривожлантириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш йўлида кенг имкониятлар, қўлай шароитлар ҳозирланмоқда. Техникум ва ОТМлар инфратузилмаси янгиланмоқда. Дуал таълимни жорий этиш учун қонунчилик асослари ва молиявий механизмлар шакллантирилмоқда. Корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Энди эса ушбу имконияتلардан унумли фойдаланиш учун ҳар бир ўқув муассасаси, ҳар бир раҳбар ва жамоанинг ташаббускорлиги, масъулият билан ёндашуви талаб этилади. Шундагина таълим ҳаётга боғланиди, ёшлар келажакни шу юрtdа қуришига ишонади.

Бугун Хоразм вилоятида дуал таълим тизими самарали йўлга қўйилган. Ҳатто ўзига хос тажрибаси билан ажралиб турибди. Худуддаги ҳамкор ташкилотлар томонидан 619 ўқувчи амалий таълим жараёнида жалб этилиб, уларга ўртача 1,5 миллион сўмдан 3,5 миллион сўмгача ойлик маош берилмоқда. Хусусан, Тупроққалъа туманидаги политехника техникумининг 98 ўқувчиси “UzAutoMotors” АЖнинг Хоразм филиалида ишлаб, ҳар ой 3 миллион сўмдан 3,5 миллион сўмгача маош олмақда.

Ҳар бир техникум ўз ҳудудидagi саноат корхоналари, агросаноат мажмуалари, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқлари билан узвий ҳамкорлик қилиши ўта муҳим. Токи дуал таълим — яъни “назария + амалиёт” модели орқали ўқувчи техникумни битиргунга қадар иш билан боғланиб улгурсин. У дарсхонада назарияни ўрганиб, корхонада амалиёт ўтасин. Ана шунда ҳаётда қийналимайди, илк қадамни иш билан бошлайди.

Бу йўналишда тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, Хоразм вилоятидаги 36 та техникум 889 та корхона ва ташкилот билан ҳамкорликда 1326 ўқувчини дуал таълим шаклида, яъни ўқиш ва ишлашни уйғунлаштирган ҳолда ўқитмоқда. Бу — таълимни меҳнат бозорига яқинлаштириш йўлидаги муҳим қадам.

Ёшлар бандлигини самарали таъминлаш ва билим олиш жараёнини ҳаётга яқинлаштириш мақсадида онлайн мониторинг



Қўнғиртоб ШАРИПОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири

тизимини жорий этиш ҳамда Хоразмдаги техникум ва олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 7000 га яқин ўқувчини дуал таълим тизимига қамраб олишни режалаштирдик. 2025/2026 ўқув йили учун вилоятдаги техникумларга дуал таълим шаклида қабул қилиш параметрлари оширилди. Ўтган ўқув йилида 1927 ўқувчи қабул қилинган бўлса, бу йилги қабул квотаси икки баробар кўп бўлиб, 4000 тага етказилади.

Шу мақсадда амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиётини қамраб олган дуал таълим дастурлари ишлаб чиқишли, ҳар бир олий ва касбий таълим муассасаси камида 3 та маҳаллий иш берувчи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик шартномалари тузиши кўзда тутилган. Ҳар бир дуал дастур доирасида талабаларнинг амалий кўникмаларини аниқ, ҳолис ва шаффоқ баҳолайдиган мезонлар жорий этилади.

Вилоят иқтисодиётининг барқарор ва изчил ривожланишида олий маъlumотли, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Айни пайtdа Хоразм вилоятида 8 та олий таълим муассасаси, jumладан, 3 та нодавлат ОТМ фаолият юритмоқда. Уларда 60 мингдан ортқ талаба таҳсил олаётир. 2017 йилда ёшларнинг олий

таълим билан қамраб олиниши 8 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 48,6 фоизга етди.

Жорий йилда Ал-Хоразмий номи билан аталувчи янги университет ташкил этилиши эса вилоятда олий таълим соҳасини мутлақо янги bosқичга олиб чиқади. Бу Хоразмнинг илм-фандаги юксак анъаналарини қайта тиклаш ва дунё миқёсида тан олинадиган илмий марказга айлантириш сари муҳим қадам бўлади.

Мазкур ОТМ “Янги Ўзбекистон” университети модели, Massachusetts технология институти, Мюнхен техника университети, Халифа университети каби етакчи олий таълим муассасаларининг илгор тажрибаси асосида ташкил этилади. Қабул жараёни тўлиқ шаффоф ва адолатли бўлиши учун сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш режалаштирилган. Университетда таълим олишни истаган ёшлар A-Level, SAT каби халқаро баҳолаш тизимларига асосланган билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Ал-Хоразмий университетида муҳандислик, аниқ фанлар, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, иқтисодиёт ва бошқарув каби соҳаларда кадрлар тайёрланади. Хусусан, Халифа университети билан тузилган ҳамкорлик келишувлари доирасида талабалар икки томонлама диплом олиши мумкин. Илмий тадрқиқот ва стажировкалар орқали халқаро тажрибага эга бўлиш имконияти яратилади. Қайта тикланувчи энергия, сув ресурсларини бошқариш, сунъий интеллект каби стратегик муҳим йўналишларда илмий марказлар ташкил этилиб, ёш олимлар ва талабаларнинг ижодий салоҳияти рўёбга чиқарилади.

Олий таълим соҳасида миқдордан сифатга ўтиш устувор вазифадир. Шу боис, ОТМларда ўқитиш сифатини ошириш, илмий муҳитни кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш ва илмий ишланмаларини тижорийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Сўнгги йилларда Хоразм вилояти олий таълим муассасаларида илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар улуши 25,1 фоиздан 33,1 фоизгача оширилди. Ҳозир ҳудуддаги ОТМларда 1656 профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Шундан 548 нафари илмий даражали мутахассислардир. Улар орасида



54 фан доктори (DSc) ва 494 фан номзоди (PhD) мавжуд.

Хоразм вилоятида олий таълим ва илмий тадрқиқот соҳасидаги янгиланиш ҳамда ривожланишлар илмий салоҳиятнинг ошишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. 2022-2024 йилларда олийгоҳлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг молиялаштирилиши илмий тадрқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятнинг янги bosқичга кўтарилиши ва инновацион гояларни амалга оширишдаги муваффақиятини таъминлайди.

2022-2024 йилларда Хоразм вилоятида 25 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, таркибиди илмий, стартап ва тижорийлаштирилган лойиҳалар мавжуд. Улар вилоятнинг илмий салоҳиятини янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган. Ушбу лойиҳалар доирасида Гурлан инновацион туманида 7 та, Урганч шаҳрида 4 та, Урганч туманида 2 та янги инновацион корхона ташкил этилиди ва 243 та янги иш ўрни очилди, 18 турдаги инновацион махсулотларни ишлаб чиқариши йўлга қўйилди. Натижада маҳаллий бозорда 19,9 миллиард сўмлик инновацион махсулот реализация қилинди.

Энди инновацион ҳудудга айлантирилаётган Гурлан ва Урганч туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган илмий тадрқиқот ҳамда амалий тадбирларни амалга оширишда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар бирктирилади.

Хоразм вилоятидаги олий таълим ва илмий ташкилотлар профессор-ўқитувчилари ҳамда докторантларни илмий тадрқиқот ишларига кенг жалб қилиш мақсадида ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ва тармоқ муаммолари илмий ечимига қаратилган фундаментал, амалий тадрқиқотлар ва инновацион лойиҳалар танлови эълон қилиниши режалаштирилган. Бунда илмий тадрқиқот натижалари орқали ижтимоий-иқтисодий ва

тармоқ муаммолари ҳал этилади. Шунингдек, вилоятда стартап экотизимини яхшилаш, стартап лойиҳаларни шакллантириш ҳамда амалга ошириш учун инкубация ва акселерация дастурларини ташкил қилиш орқали лойиҳаларнинг сифати ва сони оширилади.

Юқори малакали муҳандислар ва тадрқиқотчиларни тайёрлаш, саноатнинг илмий-технологик ютуқлар асосида ривожланишини таъминлаш бугуннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан. Бу мақсадга эришиш учун ОТМларда илгор муҳандислик мактаблари, тадрқиқот ва технологик ишланмалар марказлари ташкил этиш режалаштирилган.

Айни пайtdа Урганч давлат университети ҳузуридаги янги ва замонавий “Илгор

ҳамжамиятига юз тутиш, ўз билимимиз ва таълим тизимимизнинг халқаро стандартларга мослигини намён этиш, битирувчиларимиз малакасининг халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш, демак. Бу орқали таълим сифатига ишонч ошади, миллий академик салоҳиятимиз кенг жаҳон майдонида чиқади, мамлакатимиз илм-фан соҳасида ўз нуфузи ва сўзининг қийматини намён этади.

Муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт ва аграр соҳалар — мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, озқ-овқат хавфсизлиги, соғлом жамият ва саноат модернизацияси учун устувор аҳамият касб этади. Бу соҳалардаги мутахассисларимиз энди халқаро меҳнат бозорида ҳам рақобатбардош бўлиши шарт. Чунки бугун билим ва қобилият чегара

танламайди — дунёда тажриба алмашинуви, интеллектуал ҳаракат тобора эркинлашиб бормоқда.

Шундай экан, олий таълимда халқаро аккредитация — билимни эътироф этиш, сифатни баҳолашга эришмас. Белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун барча ташкилий ва илмий-усулий ишлар изчил ҳамда тизимли йўлга қўйилади.

Хусусан, 2025 йил давомида Хоразм вилоятида фаолият юритаётган олийгоҳлардан 229 профессор-ўқитувчи ва илмий ходим тажриба алмашиниш учун дунё миқёсидаги нуфузли университетлар ва илгор илмий марказларга юборилади. Профессор-ўқитувчи ва илмий ходимларимиз халқаро илмий марказлар ва нуфузли университетларда тажриба ошириш имконига эга бўлади. Улар ўзи билан бирга янги билим, янги рух, янги ёндашув ва янги замонавий маданият олиб келади.

Хоразм вилоятида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқшини ошириш, уларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Бу йўналишда олий ва касбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларни оммавий спорт тадбирларига жалб этиш орқали спортга қамровни 60 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Вилоятдаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 35 мингдан зиёд талаба ва касбий таълим муассасаларида ўқиётган 8000 дан ортқ ўқувчи “Баркамол авлод”, Универсиада, “Талабалар лигаси”, “Беш ташаббус олимпиадаси” каби мусобақаларда фаол иштирок этмоқда. Жорий йил май ойида “Талабалар лигаси” спорт мусобақаларининг кураш бўйича республика bosқичи айнан Хоразм вилоятида ўтказилади.

Бугун биз Хоразмда замонавий таълим ва иқтисодиёт ўртасидаги кўприкни қурапмиз. Бу кўприк орқали эртага минглаб ёшлар ўз келажат сари янада дaдил ҳаракатланади. Ҳудудда замонавий таълим муассасалари, инновацион технопарклар ва янги иш ўринлари очилмоқда. Энг муҳими, бу жараён марказида инсон, айниқса, ёш авлод, унинг бахти ва эртанги ҳаёти турибди. Буларнинг барчаси таълим, фан ва инновациянинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, ҳар бир ёшга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун яратилган имкониятларнинг амалий самарасидир.

Матонатли аёл қиссаси

Ўзликни топиб берувчи маёқ

9 май — Хотира ва қадрлаш куни... Моҳият эътиборига кўра, ниҳоятда улғу кун...

Чунки ҳар бир инсон хотира билан тирик, қадр билан азиздир. Доим шу сана яқинлашгани сайин кўнглимдан кўп илиқ хотиралар кеча бошлайди. Айниқса, қалб кўрини бериб, бизга тўғри йўл кўрсатган улғу устозлар сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Мана шундай туйғулар туфайли бундан 2 йил олдин Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан нашр этилган ва жуда кўплаб ҳамкасбларимизда катта таассурот қолдирган “Матонатли аёл қиссаси” китобини қайтадан ўқиб чиқдим.



минг йиллардан буён бизга йўлдош. Айниқса, янги Ўзбекистон жамиятида бу қадрият амалий тус олди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кексаларни, пир убадават инсонларни улғулаш, иззатини жойига қўйиш ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Динимиз доимо инсонларни бир-бирига яхшилик қилишга буюради. Хусусан, гўдақлар, аёллар ва кексаларга янада кўпроқ эътибор қаратишга чақиради. Кексалар борлиги улкан бахтдир. Уларнинг дуоси туфайли Аллоҳ бизни турли офатдан сақлайди. Пайгамбаримиз (с.а.в) бундай деганлар: “Агар ораларингизда муяққиллар қариялар, ўтлаб юрган жонотлар ва эмизлик чақалоқлар бўлмаганда эди, бошингизга балолар оқиб келарди”.

Кексалар бу ҳаётнинг бойиган, тажриба ва билим билан тўлган инсонларидир. Уларнинг тажрибасидан фойдаланиш, кўпроқ фикр алмашини ёш авлоднинг тафаккур доирасини кенгайтиради. Тарих фақат дунёдан ўтганларнинг қилган ишлари ҳақида гапирини, ёд этишдан иборат эмас. Орамизда ўзида катта тарихни жамлаган, ўтмиши не-не китобларга жо бўладиган юртдошларимиз ҳам оз эмас.

қилинади. Умсуи опа энг мураккаб ва қийин дамларда қарийб 30 йил Форинс тумани суди раиси лавозимига ҳалол-пок ишлаб, элнинг меҳрини қозонди.

Юртимизда инсон қадрини улғулаш, иззат-хурматини жойига қўйиш каби қадриятлар

алалоқиб меҳнати сабаб эришган мартабани рутбасини ишонарли тарзда ифода қилган. Аниқроғи, ўқувчи кўз олдида маржондек тизиб қўйган.

“Онам билан 4-5 километр узoқликда чўлга чиқиб кетиб, ўзини йиғардим. Бир амаллаб қовул, саксовул, шувoқ топиб келардим. Қорним жуда оч бўлгани учун онам қўшниларникига мон пиширишга кетса, унинг тезроқ қайтиб келишини интизорлик билан кутардим. Баъзан эшикнинг кичкина тешигидан онамининг йўлига кўз тикиб ўтирардим. Онамининг кўлида нон борми-йўқми, деб. Сабаби, айримлар агар ўтин ўзларидан бўлса, ўша ярим нонин ҳам бермас эди. Бундай кунларни ҳеч бандга кўрсатмасин...”

Киши қалбини ўртайдиган шу каби ҳаётий ҳикоялар китобнинг кўп жойида учрайди. Бу билан биронинг машаққатли ўтмишини кўз-кўз қилиш эмас, ақсична шундай ҳолатлардан иборат олиш, ундан хулоса чиқариш назарда тутилган. Чунки ҳозир эмин-эркинлик, тўқчилик даврида яшayтмиз. Қаҳатчиликни, йўқчиликни бошдан ўтказган кишилар орамизда қолмади ҳисoб. Бугуннинг одами учун бир бурда нонга эроз бўлиш ёки ўзи хоҳлаган кийимни кия олмаслиқ эртадагидек гап.

Аммо тўқликка — шўхлик, деганларидек нафсини жиловлай олмаётганлар, бировларнинг мулкига кўз олайтираётганлар,

иккиланмасдан коррупцияга қўл ураётганлар ҳам орамизда топилади.

Суд тизимида қарийб ярим аср фаолият юритган инсон сифатида бундай нокасларга мен “Матонатли аёл қиссаси” китобини ўқиб чиқишни тавсия этган бўлардим. Бировларнинг оёғига болта уриш илнжидида нурмай, мана шундай эзгуликка ундайдиган китобларни мутлоаа қилиш инсонни нурли манзилларга етаклаши шўбақсиз.

Бу каби китоблар нафсини тия олмаётган судьялар учун эмдори (профилактика) вазифасини ўташ мақсадида туркум қилиб чоп этиляпти.

Юқорида китобларнинг инсон маънавиятига таъсирини борасида фикр юритдик. Бу хайрли юмушларни қилиш катта савoб экани ҳам бор ҳақиқат. Чунки мана шундай китоблар орқали ўзлигини топаётган, асл ўзанига қайтаётган инсонлар кўп. Китoб ўқиб, ҳаётни англаётган, яхшилик ва ёмонликнинг фарқига бориб, ўзи ҳам яхшилар сафига ўтаётганлар бисёр.

Китoб ўқиган инсон ёмон фикридан қайтди, бир яхши хислатни ўзлаштирдими, демак ўша китoб ўз вазифасини қайсидир маънода уddалаган бўлади.

Убайдулла МИНГБОЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

“Хотин тили

(“Сўз лаатофати” китобидан)

Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг олима ва таржимон, мумтоз шеъриятнинг хассос билимдони Кибриё Қаҳҳорова билан бирга кечирган ҳаёти, ижодий ҳамкорлиги ўзи бир тарих. Бу меҳмондўст хонадон ўзига хос ёзувчилар уюшмаси эди. Ижодкорлар билан ҳаммаша гавжум бўларди. Устоз вафотидан кейин ҳам бу анъана давом этди. Абдулла Қаҳҳор чироғи ўчмади, бу азиз даргоҳдан қадамимиз узилмади. Қутлуг хонадон ўз эгаларидан кейин ҳам ҳувиллаб қолгани йўқ. Уй-музей хануз мухлислар билан, бу икки ижодкорни кўрган ва кўрмаган шоғирду муҳиблар билан тўла.



Абдулла Қаҳҳор билан Кибриё Қаҳҳорованинг турмуши оддий эр-хотинлик муносабатидан юксакроқ эди. Кўнгил яқинлиги, ижодий ҳамкорлик ўз йўлига. Икки сўз устасининг суҳбатлари лутфга, тутилмаган гапларга, гўзал қочиримларга бой бўларди. Абдулла аканинг тағдор гапларига Кибриё опанинг назокатли жавоблари бизга ҳам завқли, ҳам ибратли эди.

Кибриё Қаҳҳорова эсдаликларидан: “Турмуш деганнинг анчилиги ҳам, чучуги ҳам бўлади. Эрим умрида мени уришмаган, қаттиқ сўзламаган, дегувчи хотинлар бекорнинг бештасини айтибдилар. Сизлар Абдулла акангиз билан ширин суҳбатларимизни кўргансиз, холос. Қаҳҳорнинг қаҳрини сиз билмайсиз. Мен билганман. Эшитадиганимни эшитганман. Лекин Абдулла акангиз жаҳли чиққанда ҳам сўзни тобиғга келтириб, чийратма қилиб айтарди. Уйда тожикча гаплашардик. Мен ўзим тожик бўлганим учун, Абдулла акангиз Қўқонда ўрганган тожикчасини эсдан чиқармаслик учун. Қўнлардан бир кун мен, хотин киши эмасамми, иззатталаб бўлиб, гинахонлик қилибман. У кишининг жавоби қўлогимдан кетмайдди: — Яна нима қилай? Ҳамма хотинини сен деганда мен сиз десам, она тилимиз кўйин хотин тилида гапирсам, бундан қаттиқ иззат қайда бор?.. Шу гапдан кейин мен қайтиб истиғно қилмайдиган бўлдим”.

Устоз Қаҳҳорнинг хотин тили деган ўткир ибораси мени кўп ҳаёлга тоширди. Шу ибора билан боғлиқ ҳодисалар, ривоятлар, шеърый сатрлар ёдимга келди. Ҳаёлим дунёни кезиб чиқди. Хотин тили. Улуғ адиб бу лутф билан она тили деган сўзнинг азиз ва мўътабарлигини ҳам, аёлга эҳтиромининг юксак макomini ҳам гўзал ифода қилган. Гап фақат тожик тили устида эмас, кўнгил устида, эркак ва аёлнинг бир-бирини англаши устида бормоқда. Бу осон иш эмас. Хотин тилини англаш турмушнинг энг оғир ва мураккаб муаммоси, тириклиكنинг мангу ечиммас жумбоғидир. Ҳолики олам аёлнинг жинси ва жисмигана эмас, тафаккур тарзини ҳам бошқача яратган экан.

Эшитганим бор, дунёнинг қадам етмас узоқ оролларида яшовчи бир қабиланинг эркаклари бошқа, хотинлари бошқа тилда гаплашар, бир-бирларини тушунамас эканлар. Эркакнинг хотин тилида, аёлнинг эркак тилида гапириши уят ҳисобланар экан. Ўзаро муносабат фақат имо-ишора орқали экан. Буни эшитиб аввал ҳайрон бўлгандим. Маданиятдан узоқ ибтидоий қабила-да, дегандим. Кейинроқ ўйласам, дунё тамаддуни етиб бормаган ўша қадам етмас ернинг халқи донишманд одамлар экан. Эркак ва аёл ўртасида ўтли нитох, сирли имо, диллар талпинишидан бошқа яна қанақа гап-сўз бўлиши мумкин? Тилларнинг гаплашганидан юракларнинг тиллашгани минг бора аъло эмасми?

Эр-хотин ўртасида меҳр — кўз орқали, можаҳо — сўз орқали бўлар экан. Севишганларда гап кам, термулиш кўп бўлади. Турмуш қураган, гаплашиб оладиган масалалар чиқади. Кўргиликлар шундай бошланади. Бошимизга не бало келса, тилдан келади.

Ўша ибтидоий қабилага ҳавас қилдим. Қадим замонларда бизда ҳам шундай донишмандлик бор эди. Хотин билан гаплашиб ўтирган эр кишини хотинчалиш дейиларди. Эр хотиннинг; хотин эрнинг отини айтиб чақирмаган. Чорлаганда фарзанд номи, зарур гап бўлса, фарзанд тили восита бўлган. Аёл кўзидаги ҳаё, эр кўнглидаги меҳру шафқат барча муҳокаманинг ўрнини босган. Биз шундай муносабатга гувоҳ бўлган, “қолоқ”лардан қолган авлодмиз. Эр-хотин ўртасида тилсиз муомалани олис ороллardan қидириш шарт эмас, ўзимизнинг чекка қишлоқларда ҳали ҳамон йўқолиб кетмаган.

Ўзбек тилида эркаклар тилга олмайдиган, фақат аёлларга хос сўзлар бор. Булар асосан, ноз-у карашма, эркалик билан боғлиқ сўзлар. Фақат аёлларга хос қаргшишлар ҳам борки, йиғса, китоб бўлади.

XIX асрда яшаган маърифатпарвар шоира Осима Хоним эрдан зорланган хотин тилидан шундай сўзларни шеърга солган:

Илоҳи, дарбадар юрган ватансиз жонни ер ютсун,
Ҳаммаша уйда ётган беҳунар ҳайвонни ер ютсун.

Жаҳон асону жумла мофиҳони фаҳм этмас,
Ўлжамас ё тирикмас бисмили нимжонни ер ютсун.

Емак-ичмак, фалон қилмоқ, жаҳонни кори шундир деб
Шароби гафлат ичган беҳабар нодонни ер ютсун.

Хотинлар сўзи бўлса гарчи маънан бегубор олтун,
Қулоқ солмас жамоди маҳздек қотгонни ер ютсун.



Надоматдур биза ўлгунча нодон эрлара кетмак,
Бизи ҳайвон каби бошлаб семиртирсеонни ер ютсун.

Ўқув билмас, ёзув билмас, яна дунёни фаҳм этмас,
Бу аҳмақдин туеулгон бахтсиз ўлгонни ер ютсун.

Узун тўн, катта салла, кирмаган ҳаммома умрида,
Сасиб билган қаро қўйлақ биша иштонни ер ютсун...

Гирифтори ҳавои нафс ўлуб шайтонга алданган,
Боқолмай қарзга ботуб, уч хотун олгонни ер ютсун.

Қилиб дорию дармон, бел букулган чоғда айш истар,
Ҳилокатларни тавлиб айлаган дармонни ер ютсун...

Ғаройибдур жаҳоннинг кори сартосар назар солсанг,
Ямон эр бирла кўран роҳати давронни ер ютсун.

Кичкина лўғат: Мофиҳо — дунёда бор нарсалар.
Жамоди маҳз — бу ўринда қуруқ кесак маъносиди.
Тавлид — туғдириш, дунёга келтириш.

Ер ютсин деган сўзни фақат аёл айтиши мумкин, фақат қизу жувонларга ярашади. Хотин тилининг ҳатто қаргшиида ҳам назокат бор. Нозу карашмали сўзларини айтмаёқ кўйи. Бошқа ҳеч бир тилда бўлмаган тотли, жозибали калималарни эшитиш бизларга насиб қилган. Айниқса, Хоразм қизларининг ишвали сўзлари ҳеч бир таърифга сиғмас. Жоним сиза, деру жон олар, ўлдиради ўлмағайсиз, деб. Олтиминчи йилларнинг бир девона ёш шоири айтган экан:

Тинлайман кўп ўзбек сўзларин,
Хоразмча талаффузини.
Хуш кўраман у ер қизларин
Қўйсангиз-а, деган сўзини.

Улар буни айтса мулойим
Тилларидан шакар тўкилар.
Хоразмлик қизларни доим
Қўйсангиз-а, деизгизм келар.

Ўша ҳаваскор шоир улғайиб, ёшн бир жойга борганда ҳам дилидаги завқини йўқотмабди, замона йигитларига насиҳат қилиб, уларнинг қўлогига бир сўз айтган экан:

Қиз боланинг рост гапи оздир,
Елгонлари бисёр, адашма.
“Тегманг менга”, — дегани ноздир,
“Нари туринг”, — деса, қарашма.

Ишва билан: “Қуриб кетинг”, — дер,
Кўнгулга ҳеч қаттиқ олмагин.
“Ўлинг”, — деса, яшнаб юрабер,
“Қочинг”, — деса, қочиб қолмагин.

Ҳеч гул борми ахир тикансиз?
Тиканига фидо қилгин жон
Бир кун айтлар: “Емон экансиз”,
Маъноси — сиз энг яхши инсон!

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



Ибратли умр сабоқлари

“Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатуви кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Зеро, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб эфирга чиққан айни кўрсатувнинг ҳар сонини миллионлаб юртдошларимиз интиқиб кутгани рост. Гастроль сафари чоғи кўрсатув Самарқандда намоиш қилинганида 700 киши сигадаган театр биносига мингга яқин одам ўзини ургани боис, бино эшиги синган экан. Ташқарида қолган 500 томошабинга кўрсатувнинг қайтадан қўйилгани ҳам сўзимиз исботи.

ТАҚДИРИГА “ЎЗБЕКНИНГ ОНАСИ”

Бўлиш бахти битилган аёл

1969 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган актриса суратига боққан катта авлод вакиллари чехрасида табассум билан “Э, ая-ку!”, дейди. Бу аянинг ўзбек аёлигагина хос гўзал фазилатлари ижро билан бирга тўғридан тўғри қалбларга кириб борган. Биргина “Заранг коса”ни эсланг. Теленовеллани кўриб, қазон қадари яқинлашиб қолган онахон — Манзура Ҳамидова учун йиғламаган инсон бормикан? Ҳатто ёмон келин — Қумри ролини қойилмақом ўйнаган шоғирди Ҳакима Отахонова Манзура опадек ҳалим аёл қаршисида салбий қиёфага кириш жуда қийин кечганин кўзда ёш билан эслади:

— Манзура аям қўлимдан етаклаб кўрсатувга олиб борган устозим эди-да, ахир. Мираббос акага “Бу қизимиз театрда яхши-яхши ролларни ижро этипти. Сиз ҳам бир сынаб кўринг” деб тайинлаганида онамдек меҳрибонлигини ҳис қилганман. Ая сабабли шу кўрсатувда 50 дан ортиқ роль ижро этдим. Репетицияга камиди 20 минут аввал етаклар эди. Нега бунча вақтли борамиз, десам, “Кўчадан келибёқ саҳнага чиқиб кетмайсан-ку, ролингни қўлингга олиб, тайёрланиб туришинг керак-да”, дерди. “Заранг коса”да ўғлимга ривоят айтиб берадиган жойида устозимнинг ижросига тамомила маҳлиё бўлиб қолиб, режиссёрнинг “Энди келиннинг сўзларини ёзмиз”, деганини эшитмабман. Қўзимда ёш. Чунки шу ерда “Яна нима балоларни айтиб боланинг миясини зарарляясиз? Неча марта гапириш керак ўзи сизга”, деб бақиримш керак эди. Қариб қилтиллаб қолган қайнонам Манзура опа эса йиғлагудек бўлиб, “Намуна мени ерга ураверасиз-а, ахир сиз ҳам бир кун менга ўхшаб қарирсиз”, дейди. Шу жойида кўнглим бўшаб кетиши, қаттиқ гапларни қандай айтишимни ўйлаб қолган бўлсам керак-да. Ҳақиқатан, жабрдийда она бўлиб олардики, ўз-ўзидан кўзингизга ёш келарди. Бир пайт Манзура опа сенга нима бўляпти, дегандек қараганида, мен бунақа роль ўйнамайман, сизни яхши кўраман, десам қойиб берди. “Агар мени устозим десанг, дарров ўзингни қўлга ол. Бу рол-ку! Қани, юзингни юв. Ўзингнинг ҳолатингга кир”, деди. Ярим соатларда зўрга қаҳрамоним ҳолатига қайта олганман.

ишлашига қўймаганида Манзура ая сиқилиб қолган, ўйланиб юрган. Ниҳоят, “Бу ҳам умид билан олиёйхони тамомлаган, болам”, деган юмшоқ гаплар билан ўғлини қўқидирган. Сўнг ая келинини театрда олиб келади. Бу аянинг ҳаётида ҳам худди экрандагидек меҳрибон қайнона эканининг биргина кўриниши эди.

— Ойимнинг қўллови билан театрда узоқ йиллар режиссёр ёрдамчиси, труппа раҳбари сифатида ишладим, — дейди Гулсара опа.

Ўзи ҳам 20 ёшида Тошкентдаги ишчи ёшлар театрида фаолият бошлаган. Сўнг бир муддат Муқимий театрида, 1943 йилдан умрининг сўнгтига қадар Республика ёш томошабинлар театрида ижод қилди. Қовоқ хола, ўғай она, Гилосой, она бугу, Меҳри хола каби қаҳрамонлари унинг серқирра ижодкор эканини яққол кўрсатди. Ўзигагина хос ижро маҳорати асосида Манзура Ҳамидова мактаби шаклланди. Шу мактабда ўқиб, унинг таълимини олганлар асло кам бўлгани йўқ. Устозининг табарруқ излари қолган саҳна энди уларники.

Қаҳрамонимизнинг устозлик меҳри билан улғайган кўллаб актёр ва актрисалар аяга худди фарзандидай



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатуви режиссёри, бошловчиси Мираббос Мирзааҳмедов томошабин ҳаммани ҳам Манзура опадек севавермаслигидан гап очди. Бунинг учун туғма қобилият, фидойилик, касбга садоқат талаб қилинади, деди. Бошловчи ҳамма санъаткорлар, айниқса, ёшн улугларининг Манзура опа ўйнагандек роллар билан халқнинг кўнглидан жой олишини истади.

Шу биргина образи Манзура Ҳамидованинг барча ролларига юқори баҳо бериш учун кифоя қилади. Мушпирлар ўзбек оналари тимсолини яратган Лутфи-хоним Саримсқовадан кейин “Ўзбекнинг аяси” бўлиш қабридонимизга қўйиб этди. Зеро, актриса ҳам Лутфи ака ролини шунчаки насиб намас, балки яшар эди. Қаҳрамонимиз билан қарийб 40 йил бирга яшаган келини Гулсара Деҳқонова қайнонасининг уйда ҳам образлар таъсиридан анчагача чиқа олмаганини айтди.

— “Заранг коса”дан сўнг баъзи қўшни болалар аяга раҳми келиб идишлар олиб чиққан эди, — дейди Гулсара Деҳқонова. — Аямиз эса уларга “Менинг ҳамма нарсам тўқис, шунақа ролларни ўйнайвераман-да, болаларим”, дерди.

Ҳа, Манзура опа беш фарзанди билан Ўзига тўқ ҳаёт кечирган. Турмуш ўртоғи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, танбурчи Жўрабек Саидалиев яни тушуниб, қўллаб тургани эса катта куч, ихлом берган. Шунинг учунми, катта ўғли фарзандли бўлган, келинининг театрда



“Қовоқвой ва чаноқвой” спектаклидаги Қовоқвой — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдусамат Жўраев ўша даврларни бундай эслади:

— Театрга 1975 йилда келганман. Манзура опани биринчи кўрганимда жойимда турганча қотиб қолганман. “Ҳа, нега тўхтаб қолдинг?”, деганида, “Зўр актрисасиз, сизни телевизorda кўп кўрганман. Сиз билан роль ўйнаш мен учун бахт”, дегандим. Умрининг охиригача эрқато ўғил ролини ўйнадим. Ўзи зўрга юрса ҳам саҳнадан тушмай, ролирини, айниқса, Қовоқ холини маҳорат билан ўйнаган фидойи устозим билан фахрланаман.

“Дунёнинг ишлари” видеофильмида аянинг ўғли ролини ижро этган Саидкомил Умаров ҳам, Манзура опа билан кўллаб турфа образларни яратган Эркин Комилов ҳам бундай муваффақиятга эришганлари учун шукрона айтди. Чунки Манзура Ҳамидова унча-бунча партнёр билан чиқишиб кетавермасди. Ўзига нисбатан қандай талабчан бўлса, бошқаларга ҳам шундай эди. Эркин ака билан суҳбатларимизнинг бирида ая ҳақида айтган илиқ гапларини кўп эслайман: “Манзура Ҳамидова ўша пайтларда ҳам, ҳозир ҳам Ўзбекистонимизнинг онаси. Ёки ҳозир Манзура Ҳамидова борми? Йўқ, у она сиймосини ўзи билан бирга олиб кетди. Унинг тақдирига “Ўзбек онаси” деган тамга босилгандек гўё. Бу онанинг меҳри, аёлилик садоқати, ибоси, айниқса, ишга муносабати, ҳалоллиги барчага намуна эди. Аввало, уйда ҳақиқий ўзбек oilасига хос муҳит яратган аёл. Фарзандлари, ҳатто келинлари ҳам ўзидек тарбия қилган. Бирор марта келинлар билан нари-бери бўлганини эшитмаганмиз. Ая билан кўп роллар ўйнаганман. Қўзларига қараганимда, она фарзандга нима дейиши мумкинлигини сезардим.

Чиндан ҳам Манзура ая ижро этган роллар ҳар қандай беҳарқ томошабин эътиборини лоақал бир муддат ўзига тортар, онасини эслашга мажбур этарди. Арзимас пайпоқ олиб келган ўғлини осмонга кўтариб алқанган она ёзувчининг тасаввуридан-да мукаммал ижрога эриша олган. Кўз олдингизга келдими? “Ҳа, умрингандан барака топгур. Ойиҳонимнинг оёғи оғрийди, деган-да. Хой, келинпошшалар, буни қаранглар, ўғлим менга гилам пайпоқ олиб келибди. Кексалиқда куз тушди, дегунча оёғимга оғриқ қиради. Болаганам онамнинг оёғи иссиққина юрсин, деган-да. Хўв, онагинанг ўргилиб кетсин сендан”, деганида Манзура опанинг кўзидagi қувончдан бутун дунё қувонгандек бўлади. Ким билади, мана шу саҳнадан сўнг қанча-қанча ўғиллар онасига иссиқ пайпоқдан тортиб, шойи рўмолгача кўтариб келган, қанча-қанча келинларнинг кўнгли юмшаб, қайнонаси ганимат эканини, кескалар дуосини кўпроқ олиш кераклигини тушуниб еткан. Шу маънода, бутун ҳам мана шундай қаҳрамонлар керак бизга.

Тўғри, қаҳрамонимиз фақатгина она образлари билан чекланмаган. Муסיқали спектаклларда ҳам турфа ролларни маромига етказиб ижро этган. Бироқ мақола аввалда айтганимиздек, Манзура Ҳамидова кўпроқ мўътабар она сиймосида кўнгиллардан жой олди. Минглаб болажонларнинг меҳрибон бувиси сифатида қадрланди, эъзоз топди. Юракдан меҳнат қилганинг, албатта, роҳат қўриши унинг ҳаётида ўз исботини топди. 1997 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланди. Шу билан бирга, актриса халқнинг меҳридай юксак толега эга бўлди. Актриса 1998 йилда ўзи туғилган Тошкенти азиямда вафот этди. Бутун Ўзбек эли онасидан айрилгандай бўлди. Санъаткордан қолган улкан маънавий мерос эса унинг бир билан маънан бирга яшашига хизмат қилмоқда.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.